

Пок ва равшан тавҳид ақийдаси



16:00 / 30.06.2023 1663

У зот соллаллоҳу алайҳи васалламнинг биринчи катта хизматлари – инсониятга пок ва равшан тавҳид ақийдасини армуғон қилганларидир. Бу ақийда инқилобий ва мўъжизавий бир ақийдадир. У қувват ва ҳаёттилик ила отилиб чиқади. У вазиятларни ўзгартириб юборади. У ботил олиҳаларни парчалайди. Инсоният унга ўхшаш нарсани кўрмаган ва қиёматгача кўрмайди ҳам.

Ўзича бўлмағур даъволарни кўтариб юрган, шеър, фалсафа, сиёсат ва жамиятшуносликдан иборат пуч гапларни опичлаб юрган инсон, халқлар ва юртларни қайта-қайта мустамлака қилган, тошлардан гул ясаган, тоғлардан анҳорлар чиқарган инсон, гоҳида худоликни даъво қилган инсон, ҳа, ўша инсон турли бўлмағур, зарар ҳам, фойда ҳам бермайдиган

нарсаларга сажда қилар эди.

«Агар бир пашша улардан бирон нарсани тортиб олса, ундан ўшани ҳам қутқариб ололмаслар. Талаб қилувчи ҳам, талаб қилинган ҳам заиф бўлди» (Ҳаж сураси, 73-оят).

У ўзи ясаган нарсаларга таъзим қилар эди. Ундан кўрқар эди. Ундан яхшилиқни умид қилар эди. У тоғлар, анҳорлар, дарахтлар, ҳайвонлар, руҳлар, шайтонлар ва бошқа табиий нарсаларга сажда қилибгина қолмасдан, балки ҳашарот ва қурт-қумурсқаларга ҳам сажда қилар эди. У ўз ҳаётини бор бўйича турли васвасалар, хаёллар, ваҳмлар, хомхаёллар ва алғов-далғов фикрлар билан ўтказар эди. Бунинг табиий натижаси ўлароқ, у кўрқоқ, заифҳол, фикран тутуриқсиз, нафсан изтиробли, ишончи ва истиқрори йўқ шахсга айланган эди.

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ана шундай аянчли ҳолга тушиб қолган инсониятга пок, дақиқ, содда ва осону равшан тавҳид ақийдасини армуғон этдилар. Бу ақийда ҳимматларни кўзғатди. У ҳаётнинг боисидир. У ила инсоният барча хавф ва кўрқинчлардан халос бўлди. Аллоҳдан бошқа ҳеч кимдан кўрқмайдиган бўлди. Инсон Аллоҳнинг Ўзигина фойда ва зарар келтирувчи, берувчи ва олувчи эканига ҳамда У Зотнинг ягона Ўзигина башариятнинг ҳожатларини чиқарувчи эканига аниқ ишонди. Ушбу янги маърифат туфайли унинг назарида бутун олам ўзгача бўлди. У барча қуллик ва қарамликдан озод бўлди. У махлуқлардан умидвор бўлиш ёки кўрқиш ҳиссидан ҳам озод бўлди. Хаёлни учуриб, фикрни чалғитадиган барча нарсалардан ҳам қутилди. У ўзининг Аллоҳнинг энг шарафли халқи, ер юзининг улуғи, Аллоҳнинг халифаси эканини англаб етди. У ўз Робби ва Холиқига итоат қилиб, Унинг амрларини бажаришга ўтди. У шу билан инсонийликнинг улуғ шарафини юзага чиқарди.

Ҳа, рисолаи Муҳаммадия инсониятга «тавҳид ақийдаси» номли улкан тухфани армуғон этди. Бу ақийда авваллари бошқа ақийдалар олдида мажҳул ва мазлум эди. Энди унинг садоси бутун оламга тарқалди. Дунёдаги оламшумул фалсафалар ва даъватлар ундан таъсирландилар.

Баъзи ширк ва кўпхудолик асосида пайдо бўлган ва бу нарсалар қон-

қонига сингиб кетган катта диёнатлар охири келиб, паст овоз билан бўлса ҳам, қулоққа шивирлаш ила бўлса ҳам, Аллоҳнинг бирлигини, Унинг шериги йўқлигини тан олишга мажбур бўлдилар. Улар ўзларининг ширкка оид эътиқодларини фалсафий таъвил қилиб, ширк ва бидъатлардан ўзларини олиб қоча бошладилар. Улар ўзларининг эътиқодларини Исломдаги тавҳид ақийдасига ўхшата бошладилар. Ўша диёнатларнинг бошлиқлари ширкни зикр қилишдан хижолат бўладиган бўлиб қолишди. Ушбу тухфа рисолаи Муҳаммадия инсониятга ҳадя қилган тухфаларнинг энг қимматлиси бўлди.

«Ислом тарихи» биринчи жузи асосида тайёрланди

???? ????? (???? ??????) ?????????? ?????????????? ??? ?????? ??????
???????????? 2023 ??? 14 ????????? 03-07/1733-???????? ?????????? ??????????
?????????????